



## O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

### Q A R O R

2013 йил 26 феврал

58 -сон

Гулистон.ш.

**Сирдарё вилоят танлов комиссиясининг 16.11.2012 йилдаги 07-4-216-сонли баёни, Гулистон туман ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 1431-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 326-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида**

Сирдарё вилоят прокуратурасининг 2013 йил 18 февралдаги 10/1-13-сонли “Вилоят танлов комиссиясининг 16.11.2012 йилдаги 07-4-216-сонли баёни, Гулистон туман ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 1431-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 326-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида”ги протестининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилоят прокуратурасининг 2013 йил 18 февралдаги 10/1-13-сонли “Вилоят танлов комиссиясининг 16.11.2012 йилдаги 07-4-216-сонли баёни, Гулистон туман ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 1431-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 326-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида”ги протести ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти танлов комиссиясининг 16.11.2012 йилдаги 07-4-216-сонли баёни, Гулистон туман ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 1431-сонли ва вилоят ҳокимининг 17.11.2012 йилдаги 326-сонли қарорлари бекор қилинсин.

3. Гулистон туман ҳокими (А.Тошпўлатов) га:

Гулистон туманидаги “Ўзбекистон метан газ” хусусий корхонасига автомобилларга газ қуйиш станцияси қуриш учун ажратилган 0,8 га ер майдони бекор қилинганлиги муносабати билан туман ҳокимлиги заҳирасига қонунда белгиланган тартибда қайтариб олиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Фозилов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари З.Қаршибоевлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

О.Ашурматов